

Сўз бирикмасининг синтактик бирлик сифатидаги хоссалари

Аннотация

Мақолада сўз бирикмасининг лингвистик мақоми ва тавсифи хусусида сўз боради. Сўз бирикмасига берилган турли таъриф ва нуқтаи назарлар таҳлил қилинади. Сўз бирикмасининг структур-синтактик жиҳатидан турлари ўрганилган. Сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги ҳоким-тобелик муносабатларининг ифодаланиш йўллари ҳам келтирилади.

Аннотация

Лингвистический статус и специфика словосочетаний, существующие разные определения словосочетания и точки зрения лингвистов анализируются в настоящей статье. Изучены и проанализированы типы словосочетаний по структурно-синтаксическому плану.

ANNOTATION

Linguistic status and peculiarities of word-combinations, relevant various definitions of word-combinations and standpoints of linguists have been analyzed in the given article. Types of word-combinations according to structural-syntactic plane are studied and reviewed.

Сўз бирикмаси синтаксиснинг икки асосий бирликларидан бири бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида у ҳар томонлама ишланган. Лекин шунга қарамасдан ҳалигача сўз бирикмасининг таърифи ҳақида аниқ бир ягона фикр мавжуд эмас. Бу ерда 3 асосий нуқтаи назар мавжуд. Биринчи нуқтаи назарга кўра синтаксисда «сўз бирикмаси» деган бирлик умуман мавжуд эмас. Синтаксисининг ягона бирлиги бўлиб «гап» чиқади. Иккинчи нуқтаи назарга кўра, ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ сўзнинг йиғиндиси «сўз бирикмаси» ҳисобланади. Бу тилшунослар гуруҳига Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский, М.М.Гухман, В.И.Ярцева, Г.В.Воронцова, Г.Суит ва бошқалар киради. Учинчи нуқтаи назарга кўра, сўз бирикмаси деб фақатгина икки ёки ундан ортиқ маъно билдирувчи сўзлар жумласига айтилади. В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Б.А.Ильиш, Л.Блумфильд,

Э.Сепир, Дж.Лаеонз, А.Хаймович, Роговская, С.Маслов ва бошқалар шу каби олимлар сирасига киради.

Маълумки, синтаксис грамматиканинг бир қисми бўлиб, унда гап структураси, тизими, гап бўлаклари, гап турлари, сўзларнинг бир-бири билан боғланиш йўллари ва сўз бирикмалари ўрганилади. Гап ҳақидаги таълимот синтаксиснинг асоси бўлса, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали, воситаси бўлиб, у ҳам синтаксисда текширилади. Синтаксисда ҳар қандай сўз бирикмаси ўрганилавермайди. Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қўшилиб қўшма сўз ҳосил қилиши лексикологиянинг ўрганиш объектидир.

Гап нутқнинг энг кичик, минимал бўлагидир. Сўз, сўз бирикмалари, грамматик формалар, сўз тартиби ва интонация гап структурасининг ажралмас қисмидир.

Нутқ жараёнида сўзлар шу тилга хос бўлган грамматик хусусиятлар асосида бир бири билан боғланади. Сўз бирикмаси ифодаловчи сўзлардан тузилган, ҳам грамматик, ҳам семантик бутунликка эга бўлган бирликдир. Масалан: The two men walked in silence (A.Cronin) гапида 1) the two men, 2) walked in silence.

Бир сўз бирикмаси гапда турли ўринда кела олади:

1)The two men walked in silence.

2)We have seen the two men wakling in silence.

Кўмакчи сўзлар мустақил сўз билан биргаликда бир элемент саналади. Предлог + от типигади қўшилмалар, масалан: in the evening, at night, in time, for a while кабилар сўз бирикмаси саналмайди.

As soon as, down to, in front of, on behalf of, in order, in accordance with
каби конструкциялар ҳам сўз бирикмаси ҳисобланмайди, чунки улар гапда
предлог ва боғловчилар вазифасида келади.

Сўз бирикмалари эркин ва турғун бўлиши мумкин.

Эркин сўз бирикмасида сўзларнинг бирикиши эркин бўлади.

Эркин сўз бирикмаларининг маъноси компонентларнинг маъносига
тенг бўлиб, компонентлар ўртасида ҳоким тобелик мавжуд бўлади.

Турғун сўз бирикмасининг маъноси бир сўзга тенглашиб, унда ҳоким
тобелик бўлмайди. Турғун сўз бирикмаси фразеологияда ўрганилади.

Турғун сўз бирикмасига мисол:

to take a fancy - қизқиб қолмоқ;

to put up with - чидамоқ;

out of the blue - томдан тараша тушгандек.

Сўз бирикмаси билан гап ўртасида фарқ каттадир. Сўз бирикмаси
номинация (аташ) функциясини бажариш жиҳатдан сўзга яқин туради ва у
гап сингари интонацион тугалликка эга бўлмаганлиги учун коммуникатив
бирликни ташкил қилмайди.

Сўз бирикмасининг турлари (Types of Phrases). Сўз бирикмаси
структурасида бир сўз ҳоким (head), қолгани тобе (subordinate) бўлади.

Одатда сифат билан от бирикканда сифат тобе, от ҳоким: равиш билан
феъл бирикканда феъл ҳоким, равиш тобе бўлади: a powerful man, a grey suit,
Red Square, curly hair, enormous eyes, little regular features, neatly dressed, play
well, said smilingly, beamed with pleasure. Ҳоким сўз феъл билан ифодаланган
бўлса, феълли сўз бирикма, от билан ифодаланган бўлса, субстантивли сўз
бирикма, олмош билан ифодаланган бўлса, олмошли сўз бирикма, равиш

билан ифодаланган бўлса, равишли сўз бирикма, сон билан ифодланган бўлса, сонли сўз бирикма деб юритилади.

Ҳозирги замон инглиз тилида от+от тузилишидаги сўз бирикмаси кўп учрайди.

От+от сўз бирикмаси ҳам ўз навбатида бир неча кўринишга эга:

- 1) Бош келишидаги от+от: stone wall, uncle Tom;
- 2) Қаратқич келишидаги от+от: Rahim's book, Tom's sister.

От+от сўз бирикмаси кўп ҳолларда предлог билан ҳам келади: От+of+от a drop of rain, the edge of the shelf.

Аниқловчининг отдан олдин ёки кейин келишга кўра сўз бирикмаси бир неча турларга бўлинади. Бундай ҳолат *вариантланиш* дейилиб, у сўз бирикмасининг ичидан кенгайиши сўз бирикмаларнинг кўп учрайдиган турига **сифат+от** бирикмаси ҳам тааллуқлидир: Big Ben, white hair, an old man, strange hunter.

Мазкур сўз бирикмасининг сифат+предлог+от тури ҳам мавжуд. Масалан: Afraid of work. Бу турдаги сўз бирикмасида иккита сифат кетма-кет келиши мумкин. **Сифат+сифат+от** сўз бирикмаси ҳам кўп қўлланади.

Масалан: New high buildings.

Сўз бирикмасининг бошқа турлари ҳам мавжуд. Феъл+от: wrote a letter, smoking a cigar, valued rest.

Буйруқ майлидаги **феъл+от** структурасидаги бирикмалар (масалан, wait a minute), буйруқ гапга тенг бўлади.

- 1) феъл+равиш: spoke louder, ran fast.
- 2) Сон+от: fifteen Republics, twenty days.
- 3) Равиш+сифат: very happy, profoundly happy, mildly famous.
- 4) Равиш+равиш: very well, too young.

- 5) Феъл+предлог+от: to go with (one's) friend, to accept with gratitude.
- 6) Сифат+феъл: easy to write, hard to know.
- 7) Сифат+герундий: worth seeing.
- 8) Сифат+предлог+герундий: famous for painting.
- 9) Сифат+предлог+сифат: far from important.

Сўз бирикмасининг ясалишида мустақил сўзлар қанча кўп иштирок этса, унинг турлари ҳам шунча кўп бўлади.

Сўз бирикмаси компонентлар орасидаги синтактик муносабатлар (Syntactical Relations between the Components of a Phrase).

Сўз бирикмасининг компонентлари бир-бири билан сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, интонация, сўз тартиби ёрдамида бирикади.

Сўз бирикмасининг компонентлари бири иккинчисига тобеланиш йўли орқали бўлади.

Сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги ҳоким-тобелик қуйидаги йўллар билан ифодаланади:

Мослашув (Agreement). Мослашувда тобе сўз (subordinate word) ҳоким сўзга (head word) мос формада келиши керак. Инглиз тилида аниқловчи аниқланмиш билан мослашмайди. Кўрсатиш олмошлари билан ифодаланган аниқловчи бу қоидадан мустаснодир. Масалан:

this book

that book

these books

those books

Эга билан кесимнинг мослашуви сўз бирикмасида эмас, гапда ўрганилади.

Бошқарув (Government). Бошқарувда ҳоким сўз қандай формада бўлмасин, у тобе сўзни маълум формада келишини талаб қилади. Тобе сўзнинг формаси ҳоким сўз формаси билан бир хил бўлмайди.

Ҳозирги инглиз тилидаги сўз бирикмаларида бошқарувнинг роли унчалик катта эмас. Б.А.Ильининг кўрсатича, фақат объект (objective case) келишигида келган кишилиқ олмошлари ва **who** сўроқ олмоши ҳоким сўз-феъл талабига кўра ўз формаларини ўзгартиришлари мумкин: Give me, him, her, us, them, whom.

Бирикув (Adjoining). Бундай боғланишда бириккан сўзлардан бирининг грамматик иккиланиши иккинчисига боғлиқ бўлмайди.

Уларнинг ўзаро алоқаси тартиб ёки интонация орқали ифодаланади. Инглиз тилида бундай боғланиш кенг тарқалган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кацнельсон С. Д.. Содержание слова, значение и обозначение. М.- Л., 1965.
2. Ломтев Т. П.. Об абсолютных и реляционных свойствах синтаксических единиц. НДВШ, филолог. Науки, 1960, № 4.
3. Мухин А. М.. Функциональный анализ синтаксических единиц. М. – Л., 1964.
4. Мухин А. М.. Структура предложений и их модели. Л., 1968.
5. Почепцов Г. Г.. Конструктивный анализ структуры предложения. Киев, 1971.